

“Аёллар дафтари” имкониятлар эшиги бўлмоқда

Мунирахон Носирова Ўзбекистон туманининг “Овчи” маҳалла фуқаролар ийғинида яшайди.

Бир муддат аввал “Аёллар дафтари”да турган уч фарзанднинг онаси бугун ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган.



Мунирахонни муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида АТ “Халқ банки” Ўзбекистон филиали томонидан 21 млн. сўм микдорида имтиёзли кредит ажратилади ва у болалар учун нимча, камзуллар тикишни йўлга қўяди. Хозирда ўзи билан биргаликда, жами 5 нафар аёллар ва оила аъзолари шу иш билан банд.



Нимчалари учун хомашё Хитой давлатидан буюртма асосида келтирилмоқда.

Таъкидлашича, хонадондаги 1 нафар тикувчи бир кунда 15 тагача нимчаларни тикиб улгуради. Уларнинг бозордаги ўртacha нархи 20-25 минг сўм туради.



Харидоргир камзулларини Қўқон бозоридан ташқари, Самарқанд, Бухоро ва хаттоки қўшни Тожикистоннинг Хўжанд-у, Исфара расигача олиб кетишимоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-09-03 11:22:11